

CRITERIA AND INDICATORS FOR DETERMINING TEACHERS' PEDAGOGICAL COMPETENCIES

Tashkent Law College lecturer

Zulfiya Mudarifovna Ibragimova

ABSTRACT: *This article provides a comprehensive overview of the theoretical and methodological foundations, main criteria and assessment indicators for determining teachers' pedagogical competencies. It also analyzes the factors influencing the development of pedagogical competence and modern methods of its assessment.*

Keywords: *pedagogical competence, professional development, methodological skills, assessment criteria, reflection, innovation, ICT.*

ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ АНИҚЛАШ МЕЗОНЛАРИ ВА КЎРСАТКИЧЛАРИ

Тошкент шаҳар юридик техникуми ўқитувчиси

Ибрагимова Зулфия Мударифовна

АННОТАЦИЯ: *Ушбу мақолада ўқитувчиларнинг педагогик компетенцияларини аниқлашнинг назарий-методологик асослари, асосий мезонлари ва баҳолаш кўрсаткичлари кенг ёритилган. Шунингдек, педагогик компетенцияни ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар ҳамда уни баҳолашнинг замонавий усуллари таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар: *педагогик компетенция, касбий ривожланиш, методик маҳорат, баҳолаш мезонлари, рефлексия, инновация, АКТ.*

XXI аср жамияти билимлар иқтисодиёти ва инновацион ривожланиш даври сифатида таълим тизимига, хусусан, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш жараёнига янгича талаблар қўймоқда. Анъанавий педагогик ёндашувлар ўрнини эгаллаётган компетенцияга асосланган таълим фалсафаси, ўқитувчидан нафақат чуқур назарий билим, балки уларни амалда қўллай олиш, ўқувчиларни танқидий

фикрлашга, ижодкорликка ва доимий мустақил ўрганишга ундай оладиган мураккаб кўникмалар мажмуасини талаб қилмоқда. Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, хусусан, узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган ҳаракатлар ушбу масалани янада долзарб қилади. Таълим сифатини таъминлашда бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик компетентлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг касбий тайёргарлиги жараёнида бу компетенцияларни самарали шакллантириш ва холис баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш устувор вазифа саналанади. Бугунги глобаллашув жараёнида таълим тизими олдида қўйилаётган талаблар тубдан ўзгариб бормоқда. Замонавий ўқитувчи нафақат билим берувчи, балки ўқувчиларни мустақил фикрлашга, муаммоларни ҳал этишга ва ҳаётга тайёрлашга хизмат қилувчи шахсдир.

Шу нуқтаи назардан, ўқитувчиларнинг педагогик компетенцияларини аниқлаш, баҳолаш ва ривожлантириш масаласи долзарб аҳамият касб этади. Педагогик компетенция ўқитувчининг профессионал фаолиятини самарали ташкил этиш имконини берувчи комплекс сифатида қаралади.

Педагогик компетенция тушунчаси XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб таълим назарияси ва амалиётида марказий ўрин эгаллай бошлади. Дастлабки ёндашувлар кўпроқ маълумотлар ва элементар кўникмалар мажмуаси сифатида талқин қилинган бўлса, кейинчалик бу тушунча ўқитувчининг касбий фаолиятида дуч келадиган турли вазиятларда самарали ҳаракат қилиш, муаммоларни ҳал этиш ва доимий равишда ўз устида ишлаш қобилияти сифатида кенгайтирилди. Компетенцияга асосланган таълим (КАТ) ғояси педагогикада фаол ўқитиш ва баҳолаш ёндашувларини шакллантиришга туртки бўлди.

Педагогик компетенция — бу ўқитувчининг касбий фаолиятни самарали амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатларининг уйғунлашган тизимидир.

Илмий адабиётларда педагогик компетенция қуйидаги таркибий қисмларга ажратилади:

1. Когнитив компонент – назарий билимлар мажмуи.
2. Фаолият компоненти – амалий кўникма ва малакалар.
3. Шахсий компонент – педагогнинг индивидуал хусусиятлари.
4. Мотивацион компонент – касбга бўлган қизиқиш ва интилиш.
5. Рефлексив компонент – ўз фаолиятини таҳлил қилиш қобилияти.

Мазкур компонентлар ўзаро боғлиқ ҳолда педагогик фаолият самарадорлигини таъминлайди.

Педагогик компетенция қуйидаги асосий турларга ажратилади:

1. Касбий (предметга оид) компетенция - фан бўйича чуқур билим ва дарс мазмунини тўғри тушунтириш, ўқув материални тизимли баён қилиш саналади.
2. Методик компетенция - дарсни лойиҳалаш ва режалаштириш, замонавий педагогик технологияларни қўллаш ва интерактив методлардан фойдаланиш киради.
3. Коммуникатив компетенция - ўқувчилар билан самарали мулоқот, нутқ маданияти ҳамда ижобий психологик муҳит яратиш муҳим саналади.
4. Ахборот-коммуникацион (АКТ) компетенция - рақамли воситалардан фойдаланиш, онлайн платформаларда ишлаш ва мултимедиали дарсларни ташкил этиш ҳисобланади.
5. Рефлексив компетенция - ўз фаолиятини таҳлил қилиш, хатолар устида ишлаш ва ўзини ривожлантириш стратегияларини белгилаш муҳим омилларидир.

Педагогик компетенцияларни аниқлаш мезонлари деганда ўқитувчининг касбий даражасини аниқлаш ҳисобланади ва бу учун қуйидаги мезонлар муҳим саналанади:

1. Касбий билим мезони - фан бўйича чуқур билимга эга бўлиш, янгиликлардан хабардорли, педагогика ва психология асосларини билиш.
2. Методик фаолият мезони - дарсни аниқ мақсад асосида ташкил этиш, турли методлардан фойдаланиш ва дифференциал ёндашувни қўллаш.
3. Коммуникатив фаолият мезони - ўқувчилар билан самарали мулоқот, конфликтларни бошқариш ҳамда жамоада ишлаш қобилияти.
4. Инновацион фаолият мезони - янги педагогик технологияларни қўллаш, креатив ёндашув, Геймификация ва АКТдан фойдаланиш.
5. Рефлексив фаолият мезони - ўз ишини баҳолаш, таҳлил қилиш ҳамда доимий ўз устида ишлаш.

Педагогик компетенциялар кўрсаткичларида ҳар бир мезон аниқ индикаторлар орқали баҳоланади:

Мезон Кўрсаткичлар - касбий билим фан бўйича саводхонлик, илмийлик, тушунтириш аниқлиги бўлса, методик маҳорат эса дарснинг самарадорлиги, методлар хилма-хиллиги ва коммуникативлик, мулоқот сифати, ўқувчилар фаоллигида кўринади.

Инновация АКТдан фойдаланиш, янги методлар қўллаш ва рефлексия эса ўз фаолиятини таҳлил қилиш даражаси ҳисобланади.

Педагогик компетенцияларни баҳолаш усуллари деганда замонавий таълим тизимида турли усуллардан тизимли қўллай олишга айтилади ва бунда қуйидаги баҳолаш усуллари кенг қўлланилади:

- ✓ Кузатув методи - дарс жараёнини таҳлил қилиш орқали ўқитувчининг фаолияти баҳоланади.

- ✓ Тест ва сўровномалар - назарий билим ва касбий тайёргарлик аниқланади.
- ✓ Портфолио таҳлили - ўқитувчининг иш фаолияти ҳужжатлари ўрганилади.
- ✓ Ўз-ўзини баҳолаш - педагог ўз фаолиятини мустақил баҳолайди.
- ✓ Ўқувчилар натижалари - таълим самарадорлиги орқали баҳолаш амалга оширилади.

Педагогик компетенцияни ривожлантириш қуйидаги йўллар орқали амалга оширилади:

1. Малака ошириш курслари
2. Семинар ва тренинглари
3. Мустақил таълим
4. Илмий-тадқиқот фаолияти ва инновацион лойиҳаларда иштирок.

Замонавий ёндашувлар: Ҳозирги кунда педагогик компетенцияни ривожлантиришда қуйидаги ёндашувлар муҳим:

1. Компетенциявий ёндашув
2. Шахсга йўналтирилган таълим
3. STEAM таълими
4. Рақамли педагогика
5. Геймификация технологиялари

Хулоса қилиб айтганда, ўқитувчиларнинг педагогик компетенцияларини аниқлаш ва баҳолаш замонавий таълим тизимининг энг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Педагогик компетенция ўқитувчининг нафақат билим даражаси, балки унинг методик маҳорати, коммуникатив қобилияти, инновацион ёндашуви ва рефлексив фаолиятини ҳам ўз ичига олган мураккаб тизимдир.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, аниқ ишлаб чиқилган мезон ва кўрсаткичлар асосида ўқитувчилар фаолиятини баҳолаш уларнинг касбий

ривожланишини тизимли равишда йўлга қўйишга хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида таълим сифатининг ошишига, ўқувчиларнинг билим даражаси ва мустақил фикрлаш кўникмаларининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Шунингдек, педагогик компетенцияларни ривожлантириш жараёни узлуксиз бўлиши лозим. Ўқитувчи доимий равишда ўз устида ишлаши, янги педагогик технологияларни ўзлаштириши ва амалиётга жорий этиши зарур. Айниқса, рақамли таълим муҳити, инновацион методлар ва компетенциявий ёндашувлар бугунги кунда ўқитувчи фаолиятининг ажралмас қисмига айланмоқда.

Келгусида педагогик компетенцияларни баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш, индивидуал ривожланиш траекторияларини ишлаб чиқиш ҳамда халқаро тажрибаларни жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Шу асосда, ўқитувчиларнинг касбий салоҳияти ошиб боради ва бу таълим тизимининг умумий самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Авлиякулов Н.Х., Мусаева Н.А. Педагогик технологиялар. – Тошкент: Фан ва технология, 2012.
2. Толипов О.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. – Тошкент: Фан, 2006.
3. Ишмухамедов Р.Ж., Абдуқодиров А.А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. – Тошкент: Истеъдод, 2008.